

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

Кулёзма ҳуқуқида:  
УДК 332.122 (575.1)

Аминов Фазлитдин Бахадирович


ЕР РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ  
ОШИРИШНИНГ ХУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ  
(Қашқадарё вилояти мисолида)

08.00.12 - Минтақавий иктисодиёт

Иктисод фанлари номзоди илмий  
даражасини олиш учун ёзилган диссертация

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2004



332.3(043.3)

A 59

Тадқиқот Қарши Давлат Университетида бажарилган

**Илмий раҳбар:** иқтисод фанлари доктори, профессор  
Тўхлиев Нурисломо Тўхлиевич

**Расмий оппонентлар:** иқтисод фанлари доктори, профессор  
Вохидова Саноат Эгамбердиевна

Иқтисод фанлари номзоди  
Рўзиев Ойбек Абдумўминович

**Етакчи ташкилот:** Тошкент Давлат Иқтисодиёт  
Университети

Химоя 2004 йил «23» ноябр да соат 14<sup>30</sup> да Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети хузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар химояси бўйича Д.067.02.15 рақамли Ихтисослашган Кенгаш мажлисида ўтказилади.

Манзил: 700174, Тошкент ш., Талабалар шаҳарчаси, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети. Иқтисодиёт факультети, 603-хона.

Диссертация билан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2004 йил 22 октябрда жўнатилди.

Ихтисослашган Кенгаш  
илмий котиби, иқтисод фанлари  
номзоди, доцент

Ҳошимов П.З.

## ТАДҚИҚОТНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Кириш.** Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган аграр ислохотларнинг асосий мақсади кишлок хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш орқали аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига, саноатнинг хом ашё ресурсларига бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга қаратилган. Ушбу мақсадга эришишда ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш муҳим ўрин эгаллайди.

Ўзбекистонда ердан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари, хусусан, деҳқончиликнинг суғоришга асосланганлиги ва суғориладиган ерларда деҳқончилик маҳсулотларининг 90 фоиздан кўпрогининг ишлаб чиқарилиши, сув ресурсларининг чекланганлиги, экологик вазиятнинг мураккаблиги, республикаimiz демографик ривожланишининг ўзига хослиги ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини муттасил ошириб боришни тақозо этади. Шу муносабат билан Қашқадарё вилоятининг ҳудудий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган таклиф, тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий этиш механизмини такомиллаштириш бугунги кундаги энг муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек: "...ер улкан бойлик бўлибгина қолмай, мамлакатнинг келажагини белгилаб берадиган омил ҳамдир"<sup>1</sup>. Шу сабабдан ҳам ерларни ҳар томонлама муҳофазалаш йўлларини ишлаб чиқиш ва ер ресурсларидан самарали фойдаланиш давлат ва жамият олдида турган энг долзарб муаммодир.

Ер ресурсларининг чекланганлиги ва сўнгги йилларда унумдорлигининг пасайиб бориши мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Хусусан, Қашқадарё вилоятида 1992 йилда аҳоли жон бошига тўғри келадиган хайлаладиган ва суғориладиган ерлар мос равишда 0,38 ва 0,24 гектарни ташкил этган бўлса, 2003 йилга келиб бу кўрсаткичлар мувофиқ равишда 0,29 ва 0,18 гектаргача пасайди. Айни вақтда суғориладиган ерлар таркибида мелиоратив ҳолати ёмон ерлар улуши 1992 йилда 35,2 фоиздан 2003 йилда 48,6 фоизгача ошди. Шу нуқтаи назардан, Қашқадарё вилояти ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, унга таъсир кўрсатувчи омилларни таҳлил қилиш, ер ресурсларидан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш қатта ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга ва мазкур диссертация иши мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

<sup>1</sup> И.А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўёғи асида, шифеизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тарққий қаволатлари - Т. Ўзбекистон, 1997 - 117 б.

**Тадқиқот мавзусининг ўрганилганлик даражаси.** Ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги, унга ҳудудий омиллارнинг таъсири ҳамда ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари МДХ олимлари - Благовидов Н.Л., Борук А.Я., Коваленко Н.Я., Маракулин П.П., Попов Н.А., Розов Н.Н., Семенов Б.А., Соболев С.С., Харитонов Н.С., Шмелев Г.И. ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодий эркинлаштириш шароитида аграр соҳада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишлари, жумладан, ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятлари ва истикболлари мамлакатимиз иқтисодчи-олимлари — Абдуғаниев А.А., Вахобов А.В., Жўраев А.М., Трушин Э.Ф., Цамутали А.С., Шокиров А.А., Қаюмов Ф.К., Қодиров А.А., Ҳасанжонов К.А., Хусанов Р.Х. ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топган.

Юқорида номлари зикр этилган олимларнинг мазкур мавзуни ўрганишга қўшган хиссаларини эътироф этган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, тадқиқотларда кишлоқ хўжалигига яроқли ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш муаммолари асосан режали иқтисодий мисолида амалга оширилган ва бозор иқтисодиётини шакллантириш шарт-шароитлари объектив равишда уларнинг тадқиқотлари доирасидан четда қолган. Иқтисодий адабиётда, ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг ҳудудий хусусиятлари етарли даражада чуқур ўрганилмаган. Шу сабабли бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг ҳудудий омиллари ўрганиш, бу борадаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва унинг истикболларини белгилаш зарурияти мазкур тадқиқот иши мавзусининг танланишига асос бўлди.

**Тадқиқот ишининг асосий максоди** бозор иқтисодиётига ўтиш даврида Қашқадарё вилоятининг ҳудудий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу максалда эришиш учун ишда қуйидаги вазифалар қўйилган:

- ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда табиий-иқтисодий омилларнинг ролига баҳо бериш;

- ихтисослашув ва мужассамлашув жараёнларининг ердан фойдаланиш самарадорлигига таъсирини иқтисодий жиҳатдан аниқлаш ва баҳолаш;

- иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида ердан фойдаланишнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларини таҳлил қилиш асосида ундан фойдаланишни яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- турли мулкчилик шаклларида ердан фойдаланиш самарадорлиги даражасига баҳо бериш;

- иктисодиётни эркинлаштириш шароитида ердан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

- Қашқадарё вилоятининг ички хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ердан фойдаланишнинг ташкилий-иктисодий асосларини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар тайёрлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** Қашқадарё вилояти ҳудудларида фаолият кўрсатаётган турли мулк шаклидаги хўжалик юритиш субъектларидан иборат.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб, ердан фойдаланиш жараёнида турли мулк шаклидаги кишлоқ хўжалик корхоналарида вужудга келадиган иктисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг назарий-услубий асосини** аграр соҳани ислох қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарларида илгари сурилган ғоялар, йирик иктисодчи-олимлар томонидан яратилган илмий концепциялар хизмат қилди, шунингдек, тадқиқот давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлардан ҳам кенг фойдаланилди.

Тадқиқот жараёнида меъёрий, таккослаш, гуруҳлаш, ҳисоб-конструктив ва бошқа усуллар қўлланилди.

Диссертациянинг ахборот базаси сифатида Статистика давлат кўмитаси ва унинг Қашқадарё вилояти бўлими, Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва унинг вилоят вилоят бошқармаси, Ер ресурслари давлат кўмитаси ва унинг вилоят бошқармаси маълумотларидан фойдаланилди.

**Тадқиқот ишининг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

— ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишда табиий-иктисодий омиллардан унумли фойдаланиш бўйича таклифлар тайёрланган;

— ихтисослашув ва мужассамлашув жараёнларининг ердан фойдаланиш самарадорлигига таъсири асосланган ва ҳудудий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ихтисослашув жараёнларини чуқурлаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган;

— Қашқадарё вилоятида ердан фойдаланиш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатаётган омиллар ва мавжуд муаммолар аниқланган;

— турли мулкчилик шаклларида фаолият юритаётган хўжаликлар субъектларида ердан фойдаланиш самарадорлиги даражасига баҳо берилган;

— иктисодиётни эркинлаштириш шароитида ҳудудий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, илмий ишнинг асосий натижаларидан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Вилоят ер ресурслари бошқармаси, илмий тадқиқот муассасаларида ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.**

**Тадқиқот натижаларини синаш ва қўллаш.** Тадқиқотнинг асосий натижалари бўйича «Табиий географиянинг регионал муаммолари» (СамДУ, 2002), «Тоғ ва тоғолди ҳудудларидан фойдаланишнинг географик асослари» (Т.:2002), «Шестнадцатые Плехановские чтения» (Г.В. Плеханов номидаги Россия Иктисодиёт академияси, М.:2003), «Бозор иктисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигида ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш» (ЎзБИИТИ, Т.: 2004) каби халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида маърузалар қилинган ва маъқулланган.

**Тадқиқотнинг асосий натижаларидан Қашқадарё вилояти ер ресурслари бошқармасида «Қашқадарё вилоятида ер ресурсларидан фойдаланиш» мавзусидаги дастурни ишлаб чиқишда фойдаланилган (13.10.2004 й. №ЭХ-10/280), шунингдек, тадқиқотда қелтирилган тақлифлар Қашқадарё вилояти Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасида вилоятда аграр ислохотларни чуқурлаштириш бўйича дастурларда фойдаланиш учун қабул қилинган (18.10.2004 й. №01/897).**

**Тадқиқот юзасидан чоп этилган илмий ишлар.** Диссертация мавзуси бўйича жами 1,8 босма табоқ ҳажмда 7 та, шу жумладан, иккита хорижда, илмий мақолалар чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва таркибий тузилиши.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

**Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти ёритилган, шунингдек, изланиш натижаларини синаш тўғрисидаги маълумотлар ўрин олган.**

**“Қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланишнинг табиий-иктисодий ва ҳудудий омиллари”** номли биринчи бобда ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишда табиий-иктисодий омилларнинг ролига баҳо берилган, ихтисослашув ва мужассамлашув жараёнларининг ердан фойдаланиш самарадорлигига таъсирини асослаш юзасидан тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**“Минтақада ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигининг хозирги ҳолати”** деб номланган иккинчи бобда Қашқадарё вилоятининг ер фонди таркиби фойдаланиш мақсадларига кўра тахлил қилинган. Мазкур бобда Қашқадарё вилояти ерларидан фойдаланишнинг миқдор ва сифат тавсифлари бой статистик маълумотлар асосида атрофича тадқиқ этилган. Турли мулкчилик шаклларидаги хўжалик субъектларининг ердан

фойдаланиш самарадорлиги даражасига баҳо берилган ва унга таъсир этувчи омиллар аниқланган.

**“Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари”** деб номланган учинчи бобда Қашқадарё вилоятида ер ресурсларидан фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари ва вилоят ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг истиқболлари белгилаб берилган.

Тадқиқотнинг хулоса қисмида диссертация ишида олиб борилган тадқиқотлар натижасида олинган илмий хулоса, амалий тавсия ва тақлифлар умумлаштирилган.

## **ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Меҳнат тақсимоти ва ихтисослашув жараёнида ишлаб чиқаришни жойлаштириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатлари бу соҳада такрор ишлаб чиқариш жараёнларининг ўзига хослигини таъминлайди. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни жойлаштириш мамлакат, иқтисодий районлар, вилоятда алоҳида турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг географик нуктаи назаридан ёки макон бўйича тақсимланиш жараёнини ўзида акс эттиради.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг табиий-иқтисодий зоналар бўйича ихтисослашув йўналишларини ҳисобга олган ҳолда оқилона жойлаштириш ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатади ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва арзонлаштиришнинг муҳим омил ҳисобланади.

Ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан ер фонди таркибига, ер ресурсларининг ердан фойдаланувчилар, ҳудудлар, ер участкалари ижарачилари ва мулкдорлар ўртасида тўғри ҳамда оқилона тақсимланишига боғлиқ. Шу нуктаи назардан тадқиқот объекти ҳисобланган Қашқадарё вилояти ер фонди ва унинг таркибидаги таркибий ўзгаришларни таҳлил қилиш, уларнинг асосий ва устувор йўналишлари ҳамда тенденцияларини аниқлаш вилоят ер ресурсларидан самарали фойдаланишда муҳим ўрин тутади.

Ер фонди таркибини турли гуруҳларга ажратиш ўрганиш мумкин. Хусусан, қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш нуктаи назаридан ер фонди таркибини қуйидаги белгилари бўйича ўрганиш мақсадга мувофиқ:

- белгиланган мақсадига кўра;
- сифат ҳолатига кўра;

- маъмурий-худудий бўлинишига кўра;
- хўжалик мақсадида фойдаланишига кўра;
- ердан фойдаланувчилар таркибига кўра.

Ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш хусусиятига кўра ер фондини икки гуруҳга ажратиб ўрганиш мумкин: асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида фойдаланилаётган ерлар ва иктисодиётнинг sanoat ва бошқа тармоқларини жойлаштириш учун макон вазифасини бажараётган ерлар. Биринчи гуруҳга қишлоқ ва ўрмон хўжалиги ерлари, иккинчи гуруҳга эса қолган барча ерлар қиради. Қашқадарё вилоятида 1990 йилда жами ер фондини 97,6 фоиздан асосий ишлаб чиқариш воситалари сифатида фойдаланилган бўлса, 2003 йилга келиб бу кўрсаткич 97,5 фоизни ташкил этди.

Бу, бир томондан, Қашқадарё вилояти иктисодиётининг қишлоқ хўжалигига ихтисослашганлигидан далолат берса, иккинчи томондан, таркибий ўзгаришлар секинлик билан амалга ошаётганлигини билдиради. Жами ер фондида иккинчи гуруҳ ерлар улушининг ўсиб бориши қонуният ҳисобланади, чунки sanoat, транспорт ва бошқа тармоқларнинг ривожланиши, йўллар қурилиши каби жараёнлар ҳамда ер ресурсларининг маконда чекланганлиги қишлоқ ва ўрмон хўжалик ерларининг бир қисмини улар учун ажратиб беришни тақозо этади. Бу ҳолат ер ресурсларидан самарали фойдаланишни тақозо этувчи объектив сабаблардан бири ҳисобланади.

Ер фонди таркибини юқорида қайд этилган усулда гуруҳлаш умумий характерга эга бўлганлиги сабабли ердан оқилона фойдаланиш ва уни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш билан боғлиқ амалий вазифаларни ҳал этиш имконини бермайди. Шу сабабли ер фондини мақсадли фойдаланиш йўналишига кўра ўрганиш илмий ва амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга.

Ер фондини мазкур тоифалари устун даражада иктисодиётнинг тармоқ таркиби билан белгиланиб, улар ўзгармас ҳисобланмайди ва бир тоифадан иккинчи тоифага ўтиб туриши мумкин. Ерларнинг бир тоифадан бошқа тоифага ўтиб туриши туфайли ер фондида таркибий ўзгаришлар юз беради.

2003 йил ҳолатига кўра Қашқадарё вилояти ер фондини 2495,0 минг гектари ёки 87,3 фоизи қишлоқ хўжалиги юритиш мақсадларига ажратилган ерларга тўғри келади. Бу эса вилоятда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжудлигини кўрсатади.

Вилоят ўрмон фонди ерлари ўзининг салоҳиятига кўра иккинчи ўринда бўлиб, 276,3 минг гектарни ёки барча ерларнинг 9,7 фоизини ташкил этади.

**1-жадвал. Қашқадарё вилоятида ер фондининг фойдаланиш турлари  
бўйича тақсимланиши, минг гектар**

| Ер турлари  | 1990   | 1996   | 1998   | 2000   | 2002   | 2003   | 2003 да<br>1990 га<br>нисб. % да |
|---|--------|--------|--------|--------|--------|--------|----------------------------------|
| Қишлоқ хўжалик<br>ерлари  | 2531,2 | 2521,7 | 2521,4 | 2531,1 | 2495,0 | 2495,0 | 98,6                             |
| Аҳоли пунктлари<br>ерлари   | 8,7    | 11,1   | 11,1   | 11,6   | 11,6   | 11,6   | 133,3                            |
| Саноат, транспорт,<br>алоқа, муҳофаа ва<br>бошқа максалларга<br>мўлжалланган<br>ерлар | 18,0   | 18,6   | 18,9   | 20,0   | 35,5   | 35,5   | 197,2                            |
| Табиатни му-<br>хофаза қилиш,<br>соғломлаштириш,<br>рекреация ерлари                  | 7,1    | 3,0    | 3,0    | 3,0    |        |        | -                                |
| Тарихий-маданий<br>аҳамиятга молик<br>ерлар   | -      | -      | -      | -      |        |        | -                                |
| Ўрмон фонди<br>ерлари   | 258,5  | 265,2  | 265,1  | 271,6  | 276,6  | 276,3  | 106,7                            |
| Сув фонди ерлари  | 29,8   | 33,4   | 33,4   | 33,7   | 34,3   | 34,3   | 115,1                            |
| Захира ерлари   | 4,2    | 3,8    | 3,8    | 3,8    | 3,8    | 3,8    | 90,5                             |
| Жами ерлар  | 2857,5 | 2856,8 | 2856,8 | 2856,8 | 2856,8 | 2856,8 | 99,98                            |

Маълумот: Қашқадарё вилояти Ер ресурслари бошқармасининг ҳисоботи. Қарши шаҳри, 2004 йил.

Қашқадарё вилояти географик ва ҳудудий жойлашувининг ўзига хос жиҳатлари, яъни унинг тоғ ва тоғолди зоналарида жойлашганлиги ўрмон хўжалиги ерлари улушининг нисбатан юқори бўлишига олиб келиб, бу борда катта имкониятлар борлигидан далолат беради.

Қолган тоифадаги ерлар улуши оз бўлиб, уларнинг жами ер фондидаги биргаликдаги салмоғи 3 фоизни ташкил қилади. Бу эса Қашқадарё ер майдонлари қишлоқ хўжалигини юритиш учун қулай имкониятларга эга эканлиги ва вилоятда деҳқончилик ҳамда чорвачилик ривожланиши истикболлари юқори эканлигини кўрсатади.

Таҳлил натижалари кўрсатишича, 1990-2003 йилларда вилоят ер майдони сезиларли даражада ўзгармаган ҳолда, унинг таркибида қатор ўзгаришлар юз берган. Таҳлил қилинаётган давр мобайнида қишлоқ хўжалиги ер майдони 36,2 минг гектарга ёки 1,4 фоизга қисқарган. Бунинг натижасида мазкур ерларнинг вилоят жами ер фондидаги улуши 1990 йилда 88,6 фоиздан 2003 йилда 87,3 фоизгача пасайди. Ушбу пасайиш биринчи навбатда ўрмон хўжалиги, аҳоли пунктлари, саноат, транспорт, му-

дофаа ва бошка максадлар учун ишлатилаётган ерларнинг мутлақ ва нисбий микдорда ўсганлиги билан боғлиқ.

Қашқадарё вилоятида 1990-2003 йиллар давомида ўрмон хўжалиги ерлари 17,8 минг гектарга ёки 6,7 фоизга кўпайди. Юқоридаги ҳолат кишлок хўжалиги ерларининг бир қисмини ўрмон хўжалигига ажратиб бериш ҳисобига юз берди ва ўрмон ерларининг жами ер фондидаги улушини мутаносиб равишда 9,0 фоиздан 9,7 фоизга ўсишини таъминлади.

Мустақиллик йилларида республикаимиз аграр соҳасида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида аҳолини ер ресурслари билан таъминланишида сезиларли ижобий ўзгаришлар юз берди. Хусусан, 1991 йилда республика микёсида аҳоли шахсий хўжаликлари учун 100 минг гектар ер ажратиб берилди.

Қашқадарёда аҳоли пунктлари ерлари 1990 йилда 8,7 минг гектардан 2003 йилда 11,6 минг гектаргача, яъни 33,3 фоизга ўсди. Бунинг натижасида аҳоли пунктлари ерларининг вилоят ер фондидаги салмоғи 0,3 фоиздан 0,4 фоизгача ошди. Қишлоқ аҳолисининг ер билан таъминланишидаги юқоридаги ижобий ўзгаришлар нафақат уларнинг уй-жой билан таъминланишининг яқшиланишига, балки даромад манбаларини кенгайтириб, ўтиш даврида ижтимоий аҳволнинг яқшиланишига ҳам туртки бўлди.

Туманларда кишлок хўжалиги ерларининг жами ер майдонидаги улушлари бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилади. Бундай тафовутнинг мавжудлиги туманларнинг ўзига хос ҳудудий хусусиятлари - урбанизациялашганлиги, ўрмон хўжалиги ерлари билан таъминланганлиги, ерларнинг рельеф тузилиши ва аҳолининг зичлик даражаси билан боғлиқ. Масалан, Қарши шаҳрида кишлок хўжалиги ерлари жами ер майдонининг 27,5 фоизини ташкил қилади ва мазкур ҳолат жами ер фондида аҳоли пункти ҳамда саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошка максадларга мўлжалланган ерлар улушининг юқорилиги (72,5 фоиз) билан изоҳланади.

Қарши (71,6 фоиз) ва Касби (67,7 фоиз) туманларида аҳолининг зич жойлашганлиги ҳамда саноат тармоғининг нисбатан юқорирок даражада ривожланганлиги жами ер майдонида кишлок хўжалиги ерлари улушининг пастлигини таъминлайди.

Китоб (59,7 фоиз), Шаҳрисабз (61,6 фоиз), Деҳқонобод (70,9 фоиз) ва Қамаш (72,9 фоиз) туманларида кишлок хўжалик ерларининг нисбатан паст улуши жами ер майдонида ўрмон хўжалиги ва аҳоли пункти ерларининг сезиларли салмоққа эга эканлиги билан тушунтирилади.

Қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш нуқтаи назаридан кишлок хўжалик ерларининг хўжалик мақсадида фойдаланилишига кўра таркибини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, хусусан, суғориладиган ерлар алоҳида ўрин тутати ва етиштириладиган

суғориладиган ерлар алоҳида ўрин тутади ва етиштириладиган кишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисми суғориладиган ерлар ҳиссасига тўғри келади.

Қашқадарё вилояти кишлоқ хўжалик ерларининг асосий қисми яйлов ва пичанзорлар ҳиссасига тўғри келади. Юқоридаги ҳолат вилоятнинг географик жойлашуви ва ҳудудий хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб, вилоят ҳудудининг асосий қисмини тоғ ва тоғолди зоналари, чўллар ва чала чўллар ташкил этади. Мазкур турдаги ерларнинг жами кишлоқ хўжалиги ерларидаги салмоғи 1990 йилда 68,6 фоизни ташкил қилган ҳолда, 2003 йилга келиб мазкур кўрсаткич 67,4 фоизга тенг бўлди.

Вилоят кишлоқ хўжалигида ҳайдаладиган ерлар ўзига хос муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг жами кишлоқ хўжалиги ерларидаги улуши 30 фоизни ташкил қилади. Қашқадарёда 1990 йилда ҳайдаладиган ерларнинг 62,1 фоизини суғориладиган ерлар ташкил этган бўлса, 2003 йилга келиб ҳайдаладиган ерларнинг 62,7 фоизи суғориладиган ерлар ҳисобига тўғри келган.

Суғориладиган ерларнинг ҳайдаладиган ерлардаги салмоғи вилоят туманлари бўйича фарқланиб, бу устун даражада туманларнинг ўзига хос географик, табиий-иклим ва ҳудудий шароитларига боғлиқ. Хусусан, Миришкор, Нишон, Касби каби туманларда суғориладиган ерларнинг жами ҳайдаладиган ерлардаги улуши 100 фоизни ташкил қилса, Дехқонobod, Чирокчи, Қамаш, Яккабоғ каби туманларда ҳайдаладиган ерларнинг асосий қисмини лалми ерлар ташкил этади.

Суғориладиган ва лалми ерлар ўртасидаги бундай тафовут ерлардан фойдаланиш самарадорлигига, хусусан, бир тектар ердан олиннадиган маҳсулот ва даромад миқдорига ўз таъсирини кўрсатади.

Кишлоқ хўжалиги ерларининг хўжалик юритиш шакллари бўйича тақсимланишида юз бераётган ўзгаришларни таҳлил қилиш аграр соҳада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар қўлами ва сифатига баҳо беришда муҳим ўрин эгаллайди.

Маълумки, аграр соҳада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг бош мақсади ерни ўз эгасига яқинлаштириш ва ерга эгаллик муносабатини шакллантиришдан ва шу орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдан иборат. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида республикамиз кишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг янги шакллари пайдо бўлди ва кишлоқда мулкдорлар катлами шакллана бошлади. Бу жараён Қашқадарё вилоятига ҳам хос бўлиб, вилоятда сўнгги йилларда ердан фойдаланувчиларнинг таркиби тубдан ўзгарди.

1999-2003 йиллар давомида жамоа ва ширкат хўжаликларига бириктирилган ерлар ҳажми 6,9 фоизга ошган ҳолда, суғориладиган ерлар ҳажми 23,1 фоизга қисқарган. Айни вақтда вилоятда фермер ва деҳқон хўжаликлари тасарруфидаги ерлар ҳажми ўсиш тенденциясига эга бўлган.

Масалан, 1999-2003 йиллар давомида фермер хўжаликларига ажратилган ерлар ҳажми 4,8 мартага, шу жумладан, суғориладиган ерлар ҳажми 4,6 мартага ўсган бўлса, деҳқон хўжаликларида бу кўрсаткичлар мувофиқ равишда 1,2 ва 1,1 мартага ошган.

Қишлоқ хўжалиги ерларига эгалик қилиш шаклларининг ўзгариши ишлаб чиқариш ва ердан фойдаланиш самарадорлигига, деҳқонларда ердан фойдаланиш маданиятининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Ерларнинг миқдори ва сифатини ифодаловчи кўрсаткичларнинг ўзгариши кўп жиҳатдан унга капитал маблағларни жалб этиш билан боғлиқ бўлиб, ернинг унумдорлигини ошириш бўйича мелиоратив, агротехник тадбирларни амалга оширишни такозо этади. Шу нуқтаи назардан айтиш мумкинки, ерни табиий ресурс сифатида такрор ишлаб чиқариш мумкин бўлмаса-да, уни унумдорлигини тиклаш ва ошириш нуқтаи назардан такрор ишлаб чиқариш мумкин.

Худудларда ердан самарали фойдаланишни таъминлашда ерни факат миқдорий жиҳатдан ҳисобга олиш етарли эмас. Бунинг учун унинг сифат кўрсаткичларини ҳисобга олиш такозо этилади. Бу жараён ўзининг мураккаблиги билан ажралиб туради.

Ернинг сифатини ҳисобга олиш унинг табиий ресурс ва ишлаб чиқариш воситаси сифатидаги қимматини белгилаб берувчи белгилар бўйича амалга оширилади. Бундай белгилар жумласига ернинг тулрок, ўсимликлар ва рельеф тузилиши бўйича тавсифи, тулрокнинг сув ва шамол эрозиясига учраганлиги, ботқоклашганлиги, шўрланганлиги даражаси тўғрисидаги маълумотлар, озикланувчи моддалар билан таъминланганлиги ва бошқалар кирази.

Тадқиқотларимиз кўрсатишича, суғориладиган ерлар бўйича энг юқори балл бонитети Шаҳрисабз (72 балл) туманида кузатилади. Балл бонитетига суғориладиган ерларнинг шўрланиш даражаси, ер ости сувларининг жойлашиши каби омиллар таъсир кўрсатади. Ушбу омилларнинг салбий таъсири кам бўлган Яққабоғ (60 балл), Қасби (64 балл) ва Қамаш (58 балл) туманларида ҳам вилоят ўртача кўрсаткичидан юқори натижага эришилган.

Айни вақтда Деҳқонобод (41 балл), Муборак (41 балл), Нишон (46 балл) ва Қосон (49 балл) туманларида балл бонитети вилоят ўртача кўрсаткичидан паст. Бу, энг аввало, ушбу туманларда ўртача, кучли ва жуда кучли шўрланган ерларнинг жами суғориладиган экин майдонидаги улуши нисбатан юқори даражада эканлиги билан белгиланади.

Вилоят туманларини ўртача балл бонитети бўйича гуруҳларга ажратиб ўрганиш туманларда ерлар унумдорлигига янада тўлароқ баҳо бериш имконини беради.

**2-жадвал. Қашқадарё вилояти туманларининг тупроқ сифатини  
баҳолаш кўрсаткичлари бўйича гуруҳланиши, 2003 йил**

|                          | Туманлар     | Сугориладиган ер майдони бўйича вилоятдаги улуши | Емон ерлар | Ўртада н паст ерлар | Ўртача ерлар | Яхши ерлар | Жуда яхши ерлар | Баҳоланмаган ерлар |
|--------------------------|--------------|--|------------|---------------------|--------------|------------|-----------------|--------------------|
| I Гуруҳ<br>(41-47,2)     | 1 Дехконобод | 0,5  | -          | 31,8                | 33,8         | 21,8       | -               | 362                |
|                          | 2 Муборак    | 7,3  | -          | 42,3                | 52,3         | 4,2        | -               | 256                |
|                          | 3 Нишон      | 11,5   | -          | 23,2                | 68,6         | 5,0        | -               | 1747               |
|                          | Жами         | 19,3   | -          | -                   | -            | -          | -               | 2365               |
| II Гуруҳ<br>(47,2-53,4)  | 1 Косон      | 14,5   | -          | 10,8                | 73,5         | 7,8        | 0,6             | 970                |
|                          | 2 Миришкор   | 5,4  | -          | 32,9                | 55,6         | 2,7        | -               | 688                |
|                          | Жами         | 27,1   | -          | -                   | -            | -          | -               | 1658               |
| III Гуруҳ<br>(53,4-59,6) | 1 Ғузор      | 7,1  | -          | 6,7                 | 72,5         | 15,9       | 0,8             | 2435               |
|                          | 2 Қарши      | 9,5  | -          | 19,1                | 69,6         | 8,3        | -               | 3                  |
|                          | 3 Камашин    | 6,5  | -          | 12,2                | 53,8         | 32,1       | -               | 155                |
|                          | Жами         | 23,1   | -          | -                   | -            | -          | -               | 2593               |
| IV Гуруҳ<br>(59,6-63,8)  | 1 Чирокчи    | 5,5  | -          | 6,5                 | 68,2         | 24,1       | 0,7             | 201                |
|                          | 2 Килтоб     | 3,7  | -          | 2,2                 | 42,9         | 49,2       | 5,6             | 96                 |
|                          | 3 Касби      | 10,0   | -          | 8,8                 | 72,1         | 29,2       | -               | 304                |
|                          | 4 Яккабоғ    | 6,1  | -          | 0,9                 | 59,9         | 27,7       | 10,0            | 380                |
|                          | Жами         | 25,3   | -          | -                   | -            | -          | -               | 981                |
| V Гуруҳ<br>(63,8-72)     | 1 Шаҳрисабз  | 4,9  | -          | 4,5                 | 21,2         | 48,6       | 22,2            | 837                |

Мянба: Қашқадарё вилояти Ер ресурслари бошқармасининг ҳисоботи маълумотлари асосида ҳисобланган

Таҳлиллар кўрсатишича, ерларнинг балл бонитетлари ҳудудий омилларга, шу жумладан, географик жойлашувига, тупроқ таркибига, рельеф тузилишига бевосита боғлиқ. Масалан, балл бонитети нисбатан паст бўлган биринчи ва иккинчи гуруҳларга чўл ҳудудларида жойлашган ва янги ўзлаштирилган ерлар улуши юқори бўлган туманлар кирган бўлса, юқори балл бонитетига эга бўлган тўртинчи ва бешинчи гуруҳларга асосан тоғ ва тоғолди ҳудудларида жойлашган туманлар кирган.

Биринчи гуруҳга кирувчи туманлар сугориладиган ерларининг вилоят жами сугориладиган ерларидаги салмоғи 19,3 фоизни ташкил этади. Бу туманларда жами сугориладиган ер майдонларининг 65,6 фоиздан 94,6 фоизгачаси ўртадан паст ва ўртача сифатли ерлардан иборат. Дехконобод ва Муборак туманларида тупроқнинг ўртача балл бонитети вилоят ўртача кўрсаткичининг 75,2 фоизини, Нишон туманида 84,4 фоизини ташкил этади, ҳолос.

Иккинчи гуруҳга кирувчи туманларда ҳам балл бонитети вилоят ўртача кўрсаткичидан паст бўлиб, уларнинг жами сугориладиган ер майдонидаги улуши 27,1 фоизни ташкил қилади.

Учинчи гурухга оид туманларнинг балл бонитети кўрсаткичлари деярли вилоят ўртача кўрсаткичига мувофиқ келади ва уларнинг жами суғориладиган ерлардаги салмоғи 23,1 фоизга тенг. Агар вилоят бўйича ўртача ва ундан юқори сифатли ерларнинг жами суғориладиган ерлардаги улуши 80,5 фоизни ташкил қилса, мазкур гурухга кирувчи туманларда бу кўрсаткич 77,9-89,2 фоизга тенг бўлди.

Тўртинчи гурухга тегишли туманларнинг балл бонитети вилоят ўртача кўрсаткичидан сезиларли даражада юқори бўлиб, уларнинг жами суғориладиган ерлардаги салмоғи 25,3 фоизга тенг. Юқорида қайд этилган сабабларга кўра, мазкур туманларда яхши ва жуда яхши ерларнинг жами суғориладиган ерлар ҳажмидаги улуши ҳам сезиларли даражада (Чирокчида-24,8 фоиз, Китобда - 54,8 фоиз, Касбида - 29,2 фоиз, Яққабогда - 37,7 фоиз) сакланиб турибди.

Бешинчи гурухга факат Шахрисабз тумани қиради. Бу тумanning вилоят жами суғориладиган ерлардаги улуши 4,9 фоизни ташкил қилади. Унда яхши ва жуда яхши ерларнинг суғориладиган ерлардаги салмоғи 70,8 фоизга тенг.

Гурухлаш натижаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, вилоятда ерларнинг асосий қисми ўртача ва яхши сифатли ерлар бўлиб, жуда яхши ерлар атиги 2,1 фоизни ташкил этади. Айни вақтда ўртачадан паст сифатга эга бўлган ерларнинг улуши ҳам сезиларли бўлиб, 16,5 фоизга тенг. Тадқиқотларимиз кўрсатишича, вилоятда ерлар сифатини оширишга қаратилган жиддий чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш лозим.

Ерларни сифат жиҳатдан тавсифловчи кўрсаткичлардан бири унинг шўрланганлик даражаси ҳисобланади. Қашқадарё вилоятида 2003 йилда 497,7 минг гектар суғориладиган экин майдони бўлиб, шу жумладан, 51,4 фоизини шўрланмаган, 33 фоизини кучсиз шўрланган, 12,0 фоизини ўрта шўрланган ва 3,6 фоизини кучли шўрланган ерлар ташкил этади.

Ҳисоб-китобларга кўра, вилоят бўйича шўрланмаган ерлар микдори 2003 йилда 1990 йилга нисбатан 61,6 минг гектарга ёки 19,4 фоизга қисқарган. Мустақиллик йилларида кучсиз шўрланган ерларнинг 54,9 минг гектарга (ёки 50,3 фоизга), ўрта шўрланган ерларнинг 14,9 минг гектарга (ёки 33,3 фоизга) қўпайганлиги вилоят микёсида тулпроқ тузилиши салбий томонга ўзгараётганлигини кўрсатади.

Юқоридаги ҳолатлар вилоятда асосий эътиборни ерларнинг сифатини яхшилаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга қаратиш лозимлигини кўрсатади.

Шўрланган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ушбу соҳага қўшимча капитал маблағлар жалб этилишини тақозо этади. Масалан, XX аср 90-йилларининг бошларида амалга оширилган ирригация ва мелиорация ишларининг натижаси, ўларок 1995 йилда 1990 йилга нисбатан кучли шўрланган ерлар ҳажми 24,1 фоизга қисқарди.

Қашқадарё вилояти ер ресурслари сифатининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, ерларнинг шўрланганлик даражасида ҳам кучли худудий табақаланиш кузатилади. Турли даражада шўрланган ерларнинг асосий қисми янги ўзлаштирилаётган кўрик ерлар тасарруфида бўлган туманларга тўғри келади.

Янги ўзлаштирилган, пахта экишга ихтисослашган худудларда юқори ҳосил кетидан қувиш ва алмашлаб экиш талабларига рўя қилмаслик, мелиоратив ва агротехник чора-тадбирларга эътиборсизлик ерларнинг таркибида мелиоратив ҳолати бузилган ерлар салмоғининг ошиб кетишига олиб келди.

Тахлиллар шуни кўрсатадики, тупрок сифати юқори бўлган ерларнинг асосий қисми тоғ ва тоғолди худудларида жойлашган туманларга тўғри келиб, бу Шаҳрисабз, Яккабоғ, Китоб, Қамаш, Дехқонобод туманларининг табиий-географик жойлашуви билан белгиланади. Юқорида қайд этилган тоғ ва тоғолди худудларида юқори даражада шўрланишни келтириб чиқарувчи чора-тадбирлар талаб қилинмайди.

Мазкур туманларда шўрланмаган ерларнинг салмоғи юқори даражада сакланиб қолмоқда ва олиб борилаётган мелиорация ва агротехника тадбирлари туфайли тупрок унумдорлиги янада яхшиланмоқда. Хусусан, 1995 йилга нисбатан 2003 йилда Шаҳрисабз туманида шўрланмаган ерларнинг салмоғи 93,3 фоиздан 95,1 фоизгача, Чирокчи туманида 78,5 дан 85 фоизгача ўсган. Ўз навбатида кучсиз шўрланган ерлар улуши 1995-2003 йилларда мазкур туманларда сезиларли даражада камайди. Пахта яккахокимлигидан воз кечиш ва алмашлаб экиш тадбирларини амалда кенг жорий этиш натижасида Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ туманлари ер фонди таркибида пахтанинг улуши камайтирилиб, ғалла, пичан, боғдорчилик ва сабзавот экинлари улуши кескин оширилди. Бу эса, ўз навбатида, тупрок сифатининг яхшиланишига олиб келди.

Вилоятдаги иккинчи гуруҳ туманларда эса тупрок сифатининг муттасил ёмонлашуви оқибатида кейинги йилларда салбий тенденциялар яққол кўзга ташланмоқда. Ушбу тенденциялар янги ўзлаштирилган ва асосан пахта етиштиришга ихтисослашган Миришкор, Муборак ва Нишон туманларига ҳосдир.

Мустақиллик йилларида ушбу туманларнинг барчасида тупрок сифатининг ёмонлашуви жараёнлари кучайганлигини, ўрта шўрланган ва кучли шўрланган ерлар улуши муттасил ошганлигининг гувоҳи бўламиз. Жумладан, Миришкор туманида 1990-2003 йиллар давомида кучсиз ва ўрта шўрланган ерлар улуши мос равишда 19,7 фоиздан 36,4 фоизгача ва 7,1 фоиздан 11,4 фоизгача ошган. Ушбу кўрсаткич Муборак туманида мувофиқ равишда 12,4 фоиздан 16,5 фоизгача ва 19,6 фоиздан 19,7 фоиз-

гача, Нишон туманида 17,4 фоиздан 36,0 фоизгача ва 9,4 фоиздан 15,8 фоизгача ўсган.

Тупрок сифатининг ўзгариш тенденциясига караб қолган туманларни учинчи гуруҳга бирлаштириш мумкин. Бу туманларда ўрта ва кучли шўрланган ерлар улуши нисбатан юқори бўлсада, уларнинг барқарор даражада сақланиб туриши ёки сезиларсиз даражада ўсиши кузатилади.

Бизнинг фикримизча, чўл зонасида жойлашган туманлар ерларининг сифатини яхшилаш вилоят миқёсидаги устувор вазифага айланиши керак. Тадқиқотларимиз кўрсатишича, охириги йилларда вилоятнинг кўплаб туманлари ерларида тупрок сифати сезиларли даражада пасайган, тупрокнинг шўрланиши, ер ости сувлари сатҳининг кўтарилиши жараёнлари давом этмоқда. Экологик омиллар таъсирида сув эрозияси билан бирга шамол эрозияси ҳам ривожланмоқда. Вилоят суғориладиган ерларининг катта қисмини мелиоратив ҳолатини яхшилаш талаб этилади. Муборақ, Нишон, Миришкор туманларида тупрокда тузлар концентрацияси муттасил ошиб бормоқда. Тупрокнинг шўрланиши жараёнларида унинг гипслашуви ва шу боисдан мелиорацияга мойиллиги қийинлашиш ҳоллари рўй бермоқда. Вилоят Ер ресурслари бошқармаси ҳисоботида қайд этилганига кўра, 2004 йил 1 январ ҳолатида 20645 гектар ерда мелиоратив тадбирлари ўтказилмоқда.

Бир қатор туманларда, жумладан, Миришкор туманида 1,6 минг гектар, Ғузур туманида 2,1 минг гектар, Қосон туманида 7,0 минг гектар, Қамаш туманида 0,4 минг гектар, Муборақ туманида 9,2 минг гектар, Нишон туманида эса 4,4 минг гектар ер мелиоратив ҳолати ўта ёмон бўлган суғориладиган ерлар деб топилган.

Ноқулай табиий-иклим шароити, коллектор-дренаж тармоқлари ҳолатининг қониқарсизлиги оқибатида вилоятда 17,0 минг гектар суғориладиган ер майдонларига турли сабабларга кўра экин экилмасдан келинмоқда.

Вилоятда мавжуд паст сифатли ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, мавжуд коллектор-дренаж тармоқларини мунтазам тозалашни жорий қилиш, кишлоқ хўжалиги экинларини илмий асосланган ҳолда жойлаштириш, алмашлаб экиш тизимини тўлиқ жорий қилиш, янги ерларни ўзлаштириш учун сарфланаётган маблағларни биринчи навбатда мавжуд ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга йўналтириш, аграр тармоқда банд бўлган мутахассис кадрларнинг малакасини, замон талабларига мувофиқ равишда қайта тайёрлаш ва ошириш вилоятда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар мажмуасининг асосини ташкил этиши зарур.

Шу билан бирга, кишлоқ хўжалиги учун ажратиляётган мақсадли маблағларнинг ўзлаштириш самарасини ошириш учун унумли

суғориладиган ерларни нокишлоқ хўжалиги фаолияти учун ажратиш, янги ерларни илмий асосланмаган ҳолда ўзлаштириш ҳолатларига катъий барҳам бериш лозим. Бу эса, келажакда вилоят кишлок хўжалиги ерлари умумий сифатининг яхшиланишига ва бу борада олиб борилаётган иктисодий сиёсат самарадорлигининг ошишига хизмат қилади.

**3-жадвал. Қашқадарё вилоятида пахта етиштирувчи айрим хўжаликларда ерлардан фойдаланиш самарадорлигига шўрланиш даражасининг таъсири (2003 йил)**

| Гуруҳлар | Шўрланиш даражаси, % | Хўжаликлар сони | Пахта экин майдони |                                   | Кўрсаткичлар      |                    |        |
|----------|----------------------|-----------------|--------------------|-----------------------------------|-------------------|--------------------|--------|
|          |                      |                 | Жами, минг гектар  | Шундан бир хўжаликка тўғри келади | Ҳосилдорлик, ц/га | 1 га ердан олинган |        |
|          |                      |                 |                    |                                   |                   | Ялли даромад       | Фойда  |
| 1.       | 0-25                 | 13              | 8,1                | 623                               | 24,5              | 543125             | 118154 |
| 2.       | 25,1-50              | 14              | 11,8               | 842                               | 21,8              | 402924             | 57600  |
| 3.       | 50,1-75              | 13              | 12,8               | 984                               | 17,9              | 227824             | -      |
| 4.       | 75,1 дан юқори       | -               | -                  | -                                 | -                 | -                  | -      |
|          | Жами                 | 40              | 32,7               | 817,5                             | x                 | x                  | X      |

**Манба: Муаллифнинг монографик кузатиши натижаларига асосланган**

Вилоятда ерлардан фойдаланиш самарадорлигига шўрланиш даражасининг таъсирини аниқлаш мақсадида вилоятда фаолият кўрсатаётган 40 та хўжаликнинг ерлари ўртача шўрланганлик даражасига қараб гуруҳларга ажратилди ва уларнинг пахта етиштириш бўйича самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлари ўзаро таққосланди.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, шўрланиш даражаси ва ердан фойдаланиш самарадорлиги ўртасида тесқари мутаносиблик мавжуд. Ернинг шўрланиш даражаси канчалик паст бўлса, самарадорлик даражаси шунчалик юқори, шўрланиш даражаси канчалик юқори бўлса, самарадорлик кўрсаткичлари шунчалик паст бўлиши кузатилади. Биринчи гуруҳга шўрланиш даражаси 0-25 фоиз бўлган хўжаликлар киритилиб, бу хўжаликлар Шаҳрисабз, Китоб ва Яккабоғ туманларига тегишли хўжаликлардир. Уларнинг умумий сони 13 тани ташкил қилиб, 1 гектардан 24,5 центнер ҳосил олинган.

Учинчи гуруҳга шўрланиш даражаси 50,1-75 фоиз бўлган хўжаликлар киритилган. Бу хўжаликлар асосан шўрланиш даражаси юқори бўлган Муборак ва Миришқор туманларида фаолият кўрсатаётган хўжаликлардир. Бу хўжаликларда ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичлари биринчи гуруҳ хўжаликларига нисбатан сезиларли даражада паст.

Бу гурухлаш натижаларидан шундай хулоса чиқариш мумкинки, шўрланиш даражаси ишлаб чиқариш самарадорлигига бевосита салбий таъсир кўрсатувчи омиллардан ҳисобланиб, унинг даражасини пасайтириш орқали ердан фойдаланиш самарадорлигини сезиларли даражада ошириш мумкин.

Республикамиз аграр соҳасида иктисодий ислохотларни амалга ошириш кўп укладли аграр иктисодиётни барпо этиш ва шу асосда бозор муносабатларини шакллантириш, тармоқда соғлом иктисодий рақобат муҳитини яратиш орқали мавжуд меҳнат, ер-сув ресурслари ва асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўналишида олиб борилмоқда.

Ислохотларнинг дастлабки босқичидан бошлаб ер ислохотини ўтказишга алоҳида эътибор берилди. Бу амалиётда ер майдонларини ердан фойдаланувчи турли мулк субъектлари ўртасида қайта тақсимлаш йўли билан амалга оширилди. Қишлоқда хусусий секторни ривожлантириш учун ерлар, энг аввало, шахсий ёрдамчи хўжаликлар эгаларига ажратиб берилди. Кейинчалик улар деҳқон хўжаликларига айлантилди. Ер участкалари уларга мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан умрбод бириктириб қўйилди. Айни вақтда фермер хўжалиklarини ривожлантириш учун фермерларга ерлар узок муддатли ижара тамойиллари асосида камида 10 йил, аммо кўпи билан 50 йил муддатга ажратиб берилди.

Кейинчалик республика қишлоқ хўжалигида босиб ўтилган иктисодий ислохот босқичлари ва хорижий мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда мулк пайларни жорий этиш тажрибасини умумлаштириш йирик, ўрта ва кичик қишлоқ хўжалиги қорхоналарининг биргаликда фаолият кўрсатиши мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатди. Шу сабабли иктисодий тажрибалар натижасига кўра хўжалик юритишнинг истиқболли шакллари аниқланди: йирик товар ишлаб чиқарувчилар - қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкатлар), ўрта товар ишлаб чиқарувчилар - фермер хўжаликлари, майда товар ишлаб чиқарувчилар - деҳқон хўжаликлари. Институционал ва қонуний асос эса уларнинг фаолият кўрсатиши учун зарурий, қулай шарт-шароитларни яратишга қаратилди.

Шу муносабат билан Олий Мажлиснинг IX сессиясида (1998 йил 28-30 апрель) Ўзбекистон Республикасининг “Ер Кодекси тўғрисида”ги, “Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида”ги, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди. Қишлоқ хўжалигида янги хўжалик юритиш субъектларини ташкил этиш ва фаолият кўрсатишининг асосий ҳуқуқий жиҳатлари ушбу қонунларда ишлаб чиқариш, иктисодий ва меҳнат муносабатларини туб-

дан ўзгартиришга қаратилган ва кишлокда ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш ва ривожлантиришга кенг йўл очиб берилди.

Қашқадарё вилоятида деҳқон ва фермер хўжаликлари кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда ўзига хос муҳим ўрин эгаллайди. Мазкур хўжаликлар фаолияти учун ҳуқуқий асоснинг яратилиши натижасида вилоятда яратилаётган ялпи кишлоқ хўжалик маҳсулотининг ва алоҳида экин турларининг сезиларли қисми улар томонидан яратилмоқда.

**4-жадвал. Қашқадарё вилояти бўйича ишлаб чиқарилган ялпи кишлоқ хўжалик маҳсулоти ва алоҳида кишлоқ хўжалик маҳсулотларида деҳқон ва фермер хўжалиklarининг улуши, фоизда**

|                               | 2000               |                    | 2001               |                    | 2002               |                    | 2003               |                    |
|-------------------------------|--------------------|--------------------|--------------------|--------------------|--------------------|--------------------|--------------------|--------------------|
|                               | Фермер хўжаликлари | Деҳқон хўжаликлари |
| Кишлоқ хўжалик ялпи маҳсулоти | 3,2                | 65,7               | 5,5                | 66,3               | 10,5               | 58                 | 17,8               | 55,8               |
| Шу жумладан: Ўсимликчиликда   | 6,7                | 17,4               | 12,1               | 31,7               | 21,5               | 22,2               | 32,9               | 23,9               |
| Пахта                         | 11,7               | -                  | 19,3               | -                  | 27,9               | -                  | 44,7               | -                  |
| Ғалла                         | 9,3                | 13,4               | 15,9               | 11,7               | 26,9               | 10,9               | 42,5               | 12,3               |
| Чорвачиликда                  | 0,8                | 98,7               | 0,8                | 89,7               | 0,7                | 91,3               | 0,9                | 91,4               |
| Гўшт                          | 0,7                | 88,6               | 0,8                | 89,7               | 1,1                | 93,0               | 0,7                | 93,8               |
| Сут                           | 0,9                | 92,6               | 0,9                | 95,3               | 1,2                | 95,9               | 1,0                | 96,2               |
| Тухум                         | 0,3                | 71                 | 0,6                | 76,7               | 0,7                | 76,8               | 0,6                | 71,3               |

**Манба:** Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Қашқадарё вилояти ялпи кишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 2000 йилда 3,2 фоизи, 2003 йилда 17,8 фоизи фермер хўжаликларида ишлаб чиқарилган бўлса, деҳқон хўжаликларида бу кўрсаткич мувофиқ равишда 65,7 ва 55,8 фоизни ташкил қилган.

Ўсимликчилик тармоғида фермер хўжалиklarининг улуши бирмунча юқорирок бўлиб, мазкур тармоқда яратилган ялпи маҳсулотнинг 2000 йилда 6,7 фоизи, 2003 йилда 32,9 фоизи фермер хўжаликлари ҳисобига тўғри келган. Деҳқон хўжалиklarининг ушбу тармоқ ялпи маҳсулотида нисбатан паст улушга эга эканлиги уларда асосий кишлоқ хўжалиги экини ҳисобланган пахтанинг етиштирилмаслиги билан боғлиқ.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, вилоятдаги асосий экин турлари - пахта ва ғалла асосан ширкат хўжаликларида етиштирилади. Уларнинг пахта ишлаб чиқаришдаги улуши 2000 йилда 88,3 фоизни, 2003 йилда 55,3 фоизни ташкил этади. Фермер хўжалиklarининг пахта ишлаб чиқаришдаги салмоғи 2000 йилда 11,7 фоизни ташкил қилган бўлса, 2003 йилга келиб сезиларли даражада ўсди ва 44,7 фоизга етди.

Ғалла ишлаб чиқаришда дехкон ва фермер хўжалиklarининг улуши бирмунча юкори. Хусусан, 2000 йилда дехкон ва фермер хўжалиklarининг ғалла етиштиришдаги биргаликдаги улуши 22,7 фоизни, 2003 йилда эса 54,8 фоизни ташкил қилди. Бу ўсиш асосан, фермер хўжалиklари хисобига юз берди. Уларнинг салмоғи мазкур йиллар давомида 9,3 фоиздан 42,5 фоизга ошди.

Турли хўжалик юритиш шакллари томонидан ишлаб чиқарилаётган кишлок хўжалик махсулотлари таркибида юз бераётган ўзгаришлар ва унда дехкон ва фермер хўжалиklarининг роли ошаётганлиги ердан фойдаланиш самарадорлигига баҳо бериш учун етарли эмас. Турли мулкчилик шаклларида фаолият кўрсатаётган кишлок хўжалик корхоналарида ердан фойдаланиш самарадорлигига баҳо бериш учун 1 гектар ердан олинган хосилдорлик ва ялпи даромад кўрсаткичларини таҳлил қилиш зарур.

2000 йилда барча асосий турдаги кишлок хўжалик экинлари (узумдан ташқари) бўйича фермер хўжалиklarининг хосилдорлик кўрсаткичи вилоят ўртача кўрсаткичидан сезиларли даражада паст бўлган.

Хусусан, фермер хўжалиklарида пахта хосилдорлиги 2000 йилда вилоят кўрсаткичининг 81,9 фоизини, ғалла бўйича 85,7 фоизини, картошка бўйича 76,8 фоизини, сабзавот бўйича 51,2 фоизини, полиз махсулотлари бўйича 70,6 фоизини ва мева бўйича 97,3 фоизини ташкил қилган, холос.

Фермер хўжалиklарида хосилдорлик кўрсаткичи 2003 йилда 2000 йилга нисбатан пахта, картошка ва ғалла бўйича ўсган бўлса-да, бошка барча асосий турдаги экин турлари бўйича сезиларли даражада пасайган. Шу билан бирга баъзи асосий кишлок хўжалик махсулотлари бўйича хосилдорлик даражаси вилоят ўртача кўрсаткичидан паст бўлди. Шу жумладан, фермер хўжалиklarининг хосилдорлик кўрсаткичи ва вилоят ўртача хосилдорлик кўрсаткичи ўртасидаги нисбат 2003 йилда пахта бўйича 90,1 фоизни, сабзавот бўйича 76,3 фоизни, полиз бўйича 69,1 фоизни, мева бўйича 57,9 фоизни, узум бўйича 52,9 фоизни ташкил қилди. Фақат ғалла ва картошка бўйича хосилдорлик даражаси фермер хўжалиklарида вилоят кўрсаткичидан мос равишда 31,1 ва 4,4 фоизга юкори бўлган.

Агар дехкон хўжалиklarининг асосий турдаги кишлок хўжалик маҳсулотлари бўйича ҳосилдорлик кўрсаткичини вилоят ўртача кўрсаткичи билан таққослайдиган бўлса, тесқари тенденциянинг, яъни барча турдаги кишлок хўжалик экинлари бўйича (сабзавотдан ташқари) дехкон хўжалиқларида ҳосилдорлик даражаси вилоят кўрсаткичидан сезиларли даражада юқори эканлигининг гувоҳи бўламиз. Хусусан, ғалла бўйича дехкон хўжалиқларида вилоят ўртача кўрсаткичига нисбатан ҳосилдорлик даражаси 2000 йилда 47,6 фоизга юқори бўлган бўлса, картошка бўйича 5,4 фоизга, сабзавот бўйича 5,9 фоизга, полиз бўйича 43,2 фоизга, мева бўйича 36,4 фоизга, узум бўйича 10,7 фоизга юқори бўлган.

Барча турдаги асосий кишлок хўжалик экинлари бўйича дехкон хўжалиқларида 2003 йилда 2000 йилга нисбатан ҳосилдорлик даражаси ошган. Хусусан, ғалла ҳосилдорлиги 24,4 фоизга, картошка ҳосилдорлиги 7,9 фоизга, полиз ҳосилдорлиги 4,3 фоизга ўсган. Бунинг натижасида дехкон хўжалиқлари ва вилоят ўртача ҳосилдорлик кўрсаткичи ўртасидаги нисбатда дехкон хўжалиқларининг устунлиги янада ортди. Хусусан, 2003 йилда дехкон хўжалиқларида ҳосилдорлик даражаси вилоят ўртача кўрсаткичидан ғалла бўйича 33,5 фоизга, картошка бўйича 3,7 фоизга, полиз бўйича 36,5 фоизга, мева бўйича 96,4 фоизга, узум бўйича 2,6 мартага юқори бўлди.

Ердан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлардан яна бири 1 гектар ердан олинган ялли даромад ҳисобланади. Турли мулкчиликка асосланган хўжалик юритиш шаклларида 1 гектар ердан олинган ялли даромад кўрсаткичини ўзаро таққослаш мазкур хўжалиқларда ердан фойдаланиш самарадорлигига янада тўларок киёсий баҳо бериш имконини беради.

Тахлилларимиз кўрсатишича, фермер хўжалиқларида 1 гектар ердан олиннадиган ялли даромад миқдори вилоят ўртача кўрсаткичидан сезиларли даражада кам. Дехкон хўжалиқларида эса акс тенденция кузатилади, яъни мазкур хўжалиқларда 1 гектар ердан олиннадиган ялли даромад миқдори вилоят ўртача кўрсаткичидан анча юқори.

Қашқадарё вилоятида турли мулкчиликка асосланган хўжалик юритиш шаклларида 1 гектар ердан олинган ялли даромад миқдорининг сўнгги икки йилдаги ўзгаришларини пул кўринишида ўзаро таққослаш мақсадга мувофиқ эмас, чунки ялли даромад миқдорининг ўсишига нарх омили ҳам кучли таъсир кўрсатади. Шу сабабли турли мулкчилик шаклларида ердан фойдаланиш самарадорлиги даражасига киёсий баҳо бериш учун дехкон ва фермер хўжалиқлари кўрсаткичларини вилоят ўртача кўрсаткичларига таққослаш зарур.

Фермер хўжалиқларида 1 гектар ердан олинган ялли даромад миқдори вилоят ўртача кўрсаткичидан анча кам миқдорни ташкил қилади.

Чунончи, 2003 йилда фермер хўжаликларида сабзавот бўйича 1 гектар ердан олинган ялпи даромад вилоят ўртача кўрсаткичининг 54,4 фоизини, мева бўйича 81,6 фоизни, узум бўйича 47,8 фоизни ташкил қилган, холос.

Айни вақтда деҳқон хўжаликларида 1 гектар ердан олинган ялпи даромад миқдори вилоят ўртача кўрсаткичидан бир неча марта кўп миқдорни ташкил қилади. Хусусан, 2003 йилда деҳқон хўжаликларида вилоят ўртача кўрсаткичига нисбатан ғалла бўйича 2,1 марта, узум бўйича 2,8 марта, мева бўйича 2,3 марта, полиз бўйича 2,5 марта, сабзавот бўйича 1,15 мартадан ортик ялпи даромад олинган.

Бизнинг фикримизча, фермер хўжаликларида ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- фермер хўжаликлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи хизмат кўрсатиш тизимини бозор иқтисодиёти талабларига мослаштириш;
- фермер хўжаликларига ажратиб берилаётган ерлардан фойдаланишда, экинлар таркибини танлашда қонунчиликда кўзда тутилган эркинликларни тўлиқ таъминлаш;
- фермер хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш;
- фермерларнинг билим ва касбий тайёргарлигини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш ва бошқалар.

Деҳқон хўжаликларида ердан фойдаланиш самарадорлигининг бошқа хўжалик юритиш шакллариغا нисбатан юқорилиги деҳқон хўжаликларининг мулкка, ерга ва етиштирилган маҳсулотга эгалик ҳиссининг ортиб бориши ва шу асосда меҳнатга бўлган муносабатнинг ўзгариши билан изоҳланади.

Деҳқон хўжаликларида ердан фойдаланиш самарадорлигининг юқори бўлишига қуйидаги омиллар ижобий таъсир кўрсатди:

- деҳқон хўжаликлари мустақил товар ишлаб чиқарувчи бозор субъекти сифатида фаолият юритиши учун мустахкам ҳуқуқий асос яратилган;
- деҳқон хўжаликлари тўлиқ хусусий мулк асосида фаолият юритиши уларга мустақил равишда барча хавф-хатарларни ўз зиммаларига олган ҳолда бозорларни ва экин турларини танлаш имкониятини беради;
- деҳқон хўжаликларига ер майдонларининг мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан умрбод эгалик қилишга берилиши уларга ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаб боришга ва тупроқлар унумдорлигини оширишга ундайди;
- деҳқон хўжаликларида ердан самарали фойдаланиш ва моддий манфаатдорлик ўртасида бевосита боғлиқлик таъминланган ва ҳоказо.

## ЧОП ЭТИЛГАН ИЛМИЙ ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Аминов Ф.Б. Қашқадарё вилояти ер ресурсларидан фойдаланишни оптималлаштириш масалалари. //Табиий географиянинг регионал муаммолари (илмий конференция тезислари). Самарқанд. 2002. 49-52 б. (Хаммуаллифликда)

2. Аминов Ф.Б. Ишлаб чиқариш самарадорлигининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти. //Миллий тил; адабиёт; тарих; маданият; иқтисодиёт масалалари. Қарши Давлат Университетининг 10 йиллигига бағишлаб ўтказилган илмий конференция. Илмий мақолалар тўплами. Қарши. 2002. 23-26 б.

3. Аминов Ф.Б. Организационно-экономические аспекты повышения эффективности использования земель. //Сельское хозяйство Узбекистана, 2002, №4. 48-49 с.

4. Аминов Ф.Б. Қашқадарё вилояти тоғ ва тоғолди ерларидан фойдаланиш хусусиятлари. //Тоғ ва тоғолди ҳудудларидан фойдаланишнинг географик асослари. Илмий конференция материаллари. Тошкент, 2002. 105-106 б.

5. Аминов Ф.Б. Земельная реформа в Узбекистане. //Реформирование экономического образования в соответствии с международными стандартами. Материалы международной научно-практической конференции. Москва, МАКС Пресс, 2002. 80-85 с.

6. Аминов Ф.Б. Турли мулкчилик шаклларида ердан фойдаланиш самарадорлиги. //Ўзбекистон Иқтисодий Ахборотномаси. 2003, №3. 36-38 б.

7. Аминов Ф.Б. Некоторые вопросы повышения эффективности использования земельных ресурсов. //Шестнадцатые Международные Плехановские чтения: Тезисы докладов. Москва, 2003. 506-507 с.

Тадқиқотчи:



Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Аминов Фазлитдин Бахадировичнинг 08.00.12 – «Минтақавий иқтисодиёт» ихтисослиги бўйича «Ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг ҳудудий хусусиятлари (Қашқадарё вилояти мисолида)» мавзусидаги диссертациясининг

## **РЕЗЮМЕСИ**

**Таянч сўзлар:** ихтисослашув, мужассамлашув, ер ресурслари, кишлок хўжалигининг хусусиятлари, ер кадастри, ерни иқтисодий баҳолаш, ернинг сифат тавсифи, ердан фойдаланиш самарадорлиги.

**Тадқиқот объектлари:** Тадқиқотнинг объекти Қашқадарё вилояти ҳудудларида фаолият кўрсатаётган турли мулк шаклидаги хўжалик юритиш субъектларидан иборат.

**Ишнинг мақсади:** Тадқиқот ишининг асосий мақсади бозор иқтисодиётига ўтиш даврида Қашқадарё вилоятининг ҳудудий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот усули:** мантиқий тафаккур, иқтисодий таҳлил, илмий абстракция, иқтисодий статистика, меъёрий, таккослаш.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** Тадқиқот ишининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат: ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишда табиий-иқтисодий омиллардан унумли фойдаланиш бўйича таклифлар тайёрланган; ихтисослашув ва мужассамлашув жараёнларининг ердан фойдаланиш самарадорлигига таъсири асосланган ва ҳудудий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ихтисослашув жараёнларини чуқурлаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган; Қашқадарё вилоятида ердан фойдаланиш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатаётган омиллар ва мавжуд муаммолар аниқланган; турли мулкчилик шаклларида фаолият юритаётган хўжалик субъектларида ердан фойдаланиш самарадорлиги даражасига баҳо берилган; иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида ҳудудий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Амалий аҳамияти:** Диссертация натижаларининг амалиётда қўлланилиши ердан фойдаланиш самарадорлигининг ошишига олиб келади.

**Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** Илмий ишнинг асосий натижаларидан Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, вилоят ер ресурслари бошқармаси, илмий тадқиқот муассасаларида ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган дастурларни ишлаб чиқишда, истикболда илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкин.

**Қўлланиш соҳаси:** Минтақавий иқтисодиёт, кишлок хўжалиги иқтисодиёти бўйича курсларни ўқитишда фойдаланиш мумкин.

## РЕЗЮМЕ

**диссертации Аминова Фазлитдина Бахадировича на тему:  
“Территориальные особенности повышения эффективности  
использования земельных ресурсов” (на примере Кашкадарьинской  
области) на соискание ученой степени кандидата экономических наук по  
специальности 08.00.12 – “Региональная экономика”**

**Ключевые слова:** специализация, концентрация, земельные ресурсы, особенности сельского хозяйства, земельный кадастр, экономическая оценка земли, качественные показатели земли, эффективность использования земли.

**Объекты исследования:** Объектами диссертационного исследования являются субъекты различных видов хозяйствования, функционирующие в регионах Кашкадарьинской области.

**Цель работы:** разработка научно-практических предложений и рекомендаций по повышению эффективности использования земель с учетом территориальных особенностей Кашкадарьинской области в условиях переходной экономики.

**Метод исследования:** В ходе исследования были использованы методы познания, как логическое мышление, экономический анализ, научная абстракция, экономическая статистика, нормативная, сравнения.

**Полученные результаты и их новизна:** Научная новизна исследования заключается в следующем: разработке предложений по рациональному использованию природно-экономических факторов в повышении эффективности использования земельных ресурсов; обосновании влияния процессов специализации и концентрации на эффективность использования земель и разработаны рекомендации по углублению процессов специализации с учетом территориальных особенностей: определении негативных факторов и проблем повышения эффективности использования земель Кашкадарьинской области: оценке уровня эффективности использования земель в различных субъектах хозяйствования: разработке научных предложений и практических рекомендаций по повышению эффективности использования земель с учетом территориальных особенностей Кашкадарьинской области в условиях либерализации экономики.

**Практическая значимость:** Практические применения научных выводов и результатов диссертации будет способствовать повышению эффективности использования земель в Кашкадарьинской области.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** Основные результаты исследования могут быть применены при разработке программ по повышению эффективности использования земель Министерством сельского и водного хозяйства, Управлением земельных ресурсов области, последующих научных исследованиях.

**Область применения:** Результаты исследования могут быть использованы при преподавании курсов региональной экономики и экономики сельского хозяйства.

## RESUME

**Thesis of Aminov Fazlitdin Bachadirovich on the scientific degree competition of the candidate of the economical sciences in speciality 08.00.12 – Regional economy on theme: “ (on example of the Kashkadarya region)”**

**Key words:** specialisation, concentration, land resources, features of agriculture, land cadaster, economical estimate of land, quality land indicator, effectivity of land usage.

**Subjects of the inquiry:** Different subjects of property functioning in various regions of Kashkadarya.

**The purpose of the inquiry:** Develop of scientific and practical offers and recommendations for increasing of land resources usage, including territorial features of Kashkadarya region in conditions of economy liberalisation and deepening of reforms.

**Method of inquiry:** Logical method, economical method, science abstracting method, economical statistics method, normative method, comparative method.

**Received results and their novelty:** Scientific novelty of the dissertation work is:

- optimate utilization of natural-economical factors with increase of effectivity of land usage;
- the influence of process of specialisation and concentration on effectivity of land usage explained and recommendation on the deepening of processes of specialisation using territorial features are developed;
- the negative factors and problems of increasing of effectivity of land usage of Kashkadarya region have been determined;
- the effectivity of land usage in different forms of economy is estimated;
- scientific and practical offers and recommendations for increasing of land resources usage, including territorial features of Kashkadarya region in conditions of economy liberalisation are developed.

**The practical value:** Practical usage of the results of scientific work gives increase of effectivity of land usage.

**Degree of embed and economic efficiency:** the main results of scientific work would be useful in elaboration of proposals of increase of effectivity of land usage by the Ministry of agriculture and water resources, Department of land resources of the region, Scientificant – research institute.

**The area of application:** the results of research can be used in deepening of land reforms and perfection of land relations.

Босишга руҳсат этилди 21.10.2004. Ҳажми 1.2 босма таблок.  
Бичими 60x84 1/16, Адади 100 нусха, Буюртма 93.  
М.Улубек номидagi Ўзбекистон Миллий Университети  
Иттифоқий факультети кичик босмахонасида чоп этилди.